

Маҳалла «еттилиги» фаолияти таҳлили ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокамаси



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигида «Зоом» платформаси орқали маҳаллалар «еттилиги» иштирокида навбатдаги муҳокама йиғилиши ўтказилди. Унда белгилаб берилган вазифалар ижроси, аҳоли муаммолари билан ишлаш, ҳудудларда инфратузмани яхшилаш тадбирларининг бориши таҳлил қилинди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан мутасаддилар ҳамда «еттилик»нинг ахборотлари тингланди.

Туман раҳбари хорижда юрган мигрантлар билан ишлаш масаласига ҳам тўхталди. Ҳар бир маҳаллада ўз ҳудудида яшовчи, ҳозирда хорижда ишлаётган фуқароларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммо ва мурожаатларидан келиб чиқиб ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, келгусидаги вазифалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.